
Саховат ва кўмак амаллари кенг қулоч ёймоқда



Саховат ва кўмак амаллари кенг қулоч ёймоқда

Дунёда бизнинг халқимизчалик сабрли, бардошли эл бўлмаса керак. Бошига ғам-ташвиш келганда ҳам ота-боболаримиз шукур қилиб, умргузаронлик қилишган. Ана шундай матонатли ва сабрли аждодларнинг авлодларимиз. Аждодларимизга муносиб авлод бўлиш, умрбоқий анъана ва удумларни сақлаш, уларни келажак авлодларга улашиш биз учун ҳам қарз ва ҳам фарздир. Айтиш мумкинки, бугунги синовли кунларда юртимиз узра хайр-саховат амаллари кенг қулоч ёйган.

Мўхтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан 2020 йил 22 апрел куни бўлиб ўтган ҳукумат видеоселектор йиғилишда Республикамизда барча туман ва шаҳарларда ишсиз қолган ҳамда эҳтиёжманд аҳолини номма-ном аниқлаб, шакллантирилган рўйхатлар асосида «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасидаги ишларни манзилли йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилган. Вилоятимизнинг энг чекка ва кенжа тумани – Сухда ҳам Президентимизнинг эзгу ташаббусига жавобан хайрли ишлар амалга оширилмоқда.



Сух туман Ҳазрати Али маҳалла фуқаролар йиғини раиси Субҳонали Нишонунинг сўзларига кўра, маҳаллада саховатпеша инсонлар сони кундан кунга кўпаймоқда. Ёш тадбиркор Валижон Тўйчиев маҳалланинг саховатпеша инсонларидан биридир. Валижон томонидан амалга оширилган хайрияларидан набалки Ҳазрати Али маҳалласида яшовчи аҳоли, балки туманнинг бошқа маҳалла фуқаролари ҳам баҳраманд бўлишаётир. Бу сафар тадбиркор томонидан бир бош қорамол (новост) сўйилиб, Ҳазрати Али, Сариканда, Мулгон ва Чашма маҳалласидаги юзга яқин камтаъмин оилаларга бепул гўшт тарқатиб берилди. Шунингдек, мол гўшти билан бирга тиббий ниқоблар ҳам тақдим этилди.



“Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак” деган мақол бежизга айтилмаган. Сариканда маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи тадбиркор ака-уқлар - Акмалжон ва Адҳамжон Ғоибовлар томонидан Сух тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказига тақдим этилган 1 120 000 сўмлик ун ва ёғ маҳсулотлари маҳалладаги кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга тарқатиб берилди. Бундай хайрли ва эзгу амалларда депутатларимиз ҳам фаоллик кўрсатишаётир. Туман Кенгаши депутати, “Миллий тикланиш” демократик партияси туман Кенгаши раиси Субҳонжон Асқаровнинг фикрича, одамларга нуру зиё улашиш ҳам хайрли амаллардандир. Шунинг учун, депутат томонидан айтилган кунда уйда қолиб, масофадан таҳсил олаётган Гулистон маҳалласидаги бир гурӯҳ талаба ёшларга бадий адабиётлар совға қилинди.



Албатта, юқорида таъкидлаганимиздек, совғанинг каттаси ва ё кичиги бўлмайди. Муҳими эътибор. Мана шундай эътибор ва рағбатлардан баҳра олаётган фуқароларнинг шодлиги чексиз. Зеро, инсонга шодлик ва хурсандчилик бахш этиш ҳам эзгу амаллардандир.

Сух тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-04-25 18:19:17